

Риёзус солихийн / Риёзус солихийн / 63-ҳадис

«**История : Православие в России** – это необычайно интересный и полезный проект. «**Православие в России**» – это необычайно интересный и полезный проект.

1. 63. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуддан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Анбиёлардан бири (Уларга Аллоҳнинг салавоту саломлари) ғазотга чиқди. Қавмига: «Бирор аёлни никоҳига олиб, унинг ёнига кирмоқчи бўлган-у, ҳали ёнига кирмаган киши; уйлар қуриб, ҳали шифтини кўтармаган киши; бир сурув қўй ёки бўғоз туюлар сотиб олиб, уларнинг туғишини кутиб турган киши менга эргашмасин», деди. Сўнг ғазотга чиқди. Шахарга аср намози ёки шунга яқин пайт яқинлашди. Қуёшга: «Сен ҳам буюрилгансан, мен ҳам буюрилганман. Аллоҳим, уни биз учун ушлаб тур», деди. Шунда (куёш) ушлаб турилди. Нихоят, Аллоҳ унга фатҳ берди. У ўлжаларни тўплади. Шу пайт у - яъни олов\* - буни егани келди, лекин емади. Шунда у (набий): «Аниқки, орангизда ўлжага хиёнат бор. Ҳар бир қабиладан бир киши менга байъат берсин», деди. Бир кишининг қўли үнинг қўлига ёпишиб қолди: «Хиёнат

**сизларда экан. Қабиланг менга байъат берсин», деди. Шунда икки ёки уч кишининг қўли унинг қўлига ёпишиб қолди: «Хиёнат сизларда экан», деди. Улар сигирнинг бошидек тилла олиб келиб, қўйишиди. Сўнг олов келиб, уни еди. Биздан аввалгилардан бирортасига ўлжалар ҳалол қилинмади. Сўнгра Аллоҳ ўлжаларни бизга ҳалол қилди. Бизнинг заифлигимиз, ожизлигимизни кўргач, уни бизга ҳалол қилди».**

*Муттафақун алаиҳ.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

